Алоуддин Мухаммад Хоразмшох
(тахм. 1152-1200-йил 3-июл)
(1172-1200)

Хоразмшохлар давлатида хукмронлик килган ануштегинийлар сулоласи вакили. Тўлик исми Алоуддин Такаш ибн Эларслон ибн Отсиз ибн Ануштегин.
Такаш отаси Эларслон вафоти арафасида Жанд вилояти волийси бўлиб турган. Шунинг учун Эларслон кенжа ўгли Султоншохни валиахд килиб тайинлайди ва Султоншох тахтга ўтирган (1172-йил). Такаш Султоншохни тан олмаслигини айтгач, Султоншох унга карши онаси маслахати билан кўшин жўнатган. Такаш эса корахитойлар маликаси Чен Тиён (1164-1177-йиллар)га хар йили ўлпон тўлаб туриши хакида ваъда бериб, ўгай укаси Султоншох билан курашиш учун харбий ёрдам сўраган ва ундан олган кўшин билан Гурганч (Кўхна Урганч)га юриш килган. Султоншох ва онаси Туркон хотун Хуросонга кочган. Гурганчни кўлга киритгач, Такаш 1172-йил 11-декабрда халкнинг мададн билан расман Хоразм тахтига ўтирган. Лекин, укаси билан Хоразм тахти учун яна 20 йил кураш олиб боришга мажбур бўлган.
Султоншох вафотидан сўнг Хуросоннинг Толикон - Марвируд - Хирот йўналишидаги ерлар Такашга ўтган. У ўгли Носируддин Маликшохни Марвга, бошка ўгли Кутбиддин Мухаммад II ни Нишопурга волий килиб тайинлаган. Шундан сўнг Такаш Шаркий Эронга ўз таъсирини ўтказиш билан бирга, Гарбий Эрон ишларига хам аралаша бошлаган.
Такаш Султоншохга карши курашаётган вактида (1172-1193-йиллар) гурийлар, салжукийлар ва аббосий халифалар, хатто баъзан корахитойлар билан хам яхши муносабатларни саклаб улар билан дўстона мактублар ёзишиб турган (бу мактублар мазмуни сакланиб колган).
1192-93-йилларда салжукийлар султони Тўгрул III Такаш билан яхши муносабатни саклаш учун унинг ўгли Юнусхонга ўз кизини берган ва сулх шартномасини тузган, бунга кўра Рай хоразмшох мулки деб тан олинган. Лекин, Тўгрул III шартномани бузган. Тўгрул III га халифа ан-Носир хам карши бўлиб, у Такашга мактуб ёзиб Тўгрул III га карши курашда ёрдам сўраган. Такаш 1194-йил 4-мартдаги жангда Тўгрул III кўшинларини маглубиятга учратиб, унга карам ерларни ўз тасарруфига кўшиб олган, лекин, халифага ўлжадан хеч нарса тегмаган. Бу улар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келган. Тўгрул III вафот этгач, Эрон ва Ироки Ажам ерлари Хоразмга ўтади, салжукийлар сулоласи бархам топади.
Такаш ўша йилдан эътиборан “султон” унвонини кўллай бошлайди. У 1195-йилда Кирмонни ўзига бўйсундирган. Умрининг охирги йилларида исмоилийлар билан муваффакиятли кураш олиб борган. 1200-йил халифа билан муносабати яна ёмонлашган Такаш Багдодга юриш килган, лекин ярим йўлда Нишопур ва Хоразм оралигидаги Шахристон шахрида вафот этган. Такашнинг жасади Гурганчга келтирилиб ўзи курдирган катта мадраса кошидаги макбарага дафн килинган.
Ўрта аср муаллифларининг ёзишича, Такаш адолатпарвар, иктидорли, буюк дипломат ва лашкарбоши бўлган. Такаш мусикани севган, удни жуда яхши чалган, хозиржавоб бўлиши билан бирга сиёсий ахволни тўгри бахолаб, харбий кучдан тўгри фойдалана олган.

Такаш кипчок хони Жонкишининг кизи Туркон хотунга уйланган. Унинг билан бирга келган кипчоклар кейинчалик мамлакат таназзулига сабаб бўлган. Такаш даврида Хоразмшохлар давлати кучайган. У ўгли Кутбиддин Мухаммадга марказлашган мустахкам давлат ва ташкилий жихатдан кудратли кўшинни мерос колдирган.